

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА СИФАТИДА



Хакимова Муҳаббат Файзиевна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, п.ф.д.
E-mail: mfhakimova1962@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга боғлиқлиги, иқтисодчи кадрларни тайёрлашда уларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, таълим муассасалари ўқувчиларини иқтисодий саводхонлигини оширишга қаратилган фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: жамият эҳтиёжи, иқтисодиёт, ҳаракатлар стратегияси, иқтисодчилар, мутахассислар, иқтисодий билимлар саводхонлик.

Abstract. In this article, the author presents the views on the dependence of economists on the training of specialists who can meet the requirements of market relations in the development of the economy of Uzbekistan, arming them with economic knowledge in the training of economists, increasing the economic literacy of students of educational institutions.

Keywords: precautions, development of strategies, economists, specialists, economists, billiard certificates.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида: “Ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш ...” [1] таъкидланган эди.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга кўра мамлакатимизда 2017-2021 йилларда “...иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз

иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш кўзда тутилган”. [2]

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишидан бири иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодий давлат иштирокини камайитириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш, унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман, шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ҳамда ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга эришиш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат эканлигини чуқур ҳис қилишимиз зарур.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Фармонлари, олимларнинг шахсни шакллантиришда умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамиятли қадриятлар устуворлиги ҳақидаги ғоялари методология сифатида ўрин олди.

Тадқиқот давомида эса мавзуга тизимли ёндашув ва таҳлил қилиш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида “миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш” масалалари кўзда тутилган. Бундан ташқари, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда туризм индустриясини жадал ривожлантиришга асосий эътибор қаратилади ва ушбу йўналишларни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда чуқур ислохотларни амалга ошириш мақсадида қатор чора-тадбирларни ҳам амалга оширилади.

Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш устувор йўналишининг бешинчи таркибий қисми, яъни 3.5-банди “вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни

комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” [3]деб номланади.

Бугунги глобллашув шароитида давлат бошқаруви органлари тизимини тубдан такомиллаштириш ва оптималлаштириш, марказий ва ҳудудий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларни юқори профессионализмга, замонавий тафаккурга эга бўлган малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш вазифаси белгиланди. Малакали кадрларнинг асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини аниқлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор вазифалари амалга оширилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш, қатъий ижро интизомини таъминлаш 2017 йил учун республика ҳукумати иқтисодий-ижтимоий дастурининг энг муҳим йўналишлари сифатида қайд қилинди.

Иқтисодиёт – бу шундай ҳўжалик тизимики, у зарур ҳаётий неъматларни яратиш йўли билан одамлар ва жамият эҳтиёжини қондиради, ҳўжалик юритиш фаолиятини яхшилайти, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайти. Демак, инсон биринчи навбатда, моддий талаб-эҳтиёжини қондиришга иқтисодий фаолият орқали эришади, ўз ризқ-рўзини яратади.

Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий тафаккурини ривожлантириш орқали уларни:

биринчидан, жамиятнинг иқтисодий қонунларини ўргатувчи билимлар билан қуроллантириш;

иккинчидан, жамиятнинг иқтисодий сиёсатини тўғри англаб етадиган мутахассис-шахсни шакллантириш;

учинчидан, ишлаб чиқаришдаги фаол иқтисодий фаолиятда иштирок этиш, меҳнат қилишнинг илғор шакл ва методларини ўрганиб олишга йўллайдиган дастлабки малакаларни эгаллаб олишларини таъминлаш зарур.

Бу каби муаммоларнинг оқилона ҳал этилиши эса ҳар томонлама бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга боғлиқдир. Чунки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мустақил Республикамиз олдидаги янгидан-янги мақсад ва вазифаларни тўғри англай билган, бу борада ўз фикр-мулоҳазасига эга бўлган, ўзининг етарли даражада замон талабларига мос келувчи билим ва тажрибасига эга бўлган иқтисодчиларгина мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин. Бироқ, янги шароитда самарали фаолият юрита оладиган, инновацион технологияларни тўлиқ ўзлаштирган иқтисодчиларни тайёрлаш борасидаги муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги туфайли, юқорида айтиб ўтилган хўсусиятларни ўзида мужассам этган мутахассисларни тайёрлашда бир қатор муаммолар юзага келган бўлиб, уларнинг ҳал этилиши бевосита мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини белгилаб берувчи ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади [5].

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор “Инсон манфаатлари - ҳамма нарсадан устун” деган тамойил ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамиятчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумҳамжамят тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур.

Мамлакатимиз иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнлари жадал кечаётган бугунги шароитда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ва айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда, мамлакатда замонавий шароитларда самарали фаолият кўрсата оладиган ҳамда тадбиркорлик билан ҳар қандай иқтисодий фаолиятни муваффақиятли ташкил эта оладиган иқтисодчи мутахассисларнинг етарли даражада эмаслиги иқтисодий ривожланиш моделини самарали амал қилишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тадбиркорлик ва бизнес билан шуғулланувчи иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш тизимини янги тамойиллар асосида ривожлантиришни ниҳоятда долзарблигидан далолат бермоқда.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда, бу эса ўзининг ижобий самарасини яққол кўрсатиб турибди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида маълум бир ижобий ютуқларга эришилмоқда. Лекин бу борада айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқдаки, бунинг асосий сабаби тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган шахслар уни нимадан бошламоқ кераклигини, қандай ташкил этиш зарурлиги, бошқариш сирлари, бизнес режанинг аҳамияти ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслиги ҳамда тадбиркорларда етарлича билимнинг йўқлиги, ҳуқуқий асоснинг номукамаллиги каби мураккабликлар кузатилмоқда.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Мамлакатимизнинг оғир иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қийинчиликларни босиб ўтиб, тараққиёт йўлига кириши таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ эди. Шу жиҳатдан кадрлар тайёрлаш масаласи энг муҳим вазифа сифатида ислохотларни амалга оширишга ҳам тайёрлаш зарур бўлиб қолди. Бу борада иқтисодчи кадрларни тайёрлашда уларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, айниқса олий таълим муассасаларида ўтиладиган фанлар самарадорлигини ошириш ғоятда муҳимдир [7].

Сўнгги йилларда инсониятнинг соф иқтисодий ўсиш воситасида янада ривожланиши ва техник қудратнинг кучайиши нақадар хавфли эканлиги, шунингдек, бўлғуси ривожланиш кўпроқ инсоннинг маданияти ва оқиллик даражаси билан белгиланиши янада теранроқ тушуниб етилмоқда. Эрих Фроммнинг фикрига кўра, "ривожланиш инсон нимага эга эканлиги билан эмас, балки инсоннинг кимлиги, у ўз ихтиёрида мавжуд нарсалар билан нима қилишга қодир эканлиги билан

белгиланади". Бу инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал этишда таълим муҳим аҳамият касб этиши лозимлигини кўрсатади.

Жамият ривожланишига қараб даромад манбаи сифатида билимлар, инновациялар ва уларни амалда қўллаш усуллари кўпроқ амал қилиши, айниқса, кучли намоён бўлади. Иқтисодий ривожланишда билим биринчи даражали аҳамият касб эта бошлаши ижтимоий ҳаётда таълимнинг ўрни, таълим ва иқтисодиёт каби соҳаларнинг ўзаро нисбати бутунлай ўзгаришига олиб келади. Янги билимлар, ахборот ва кўникмаларни ўзлаштириш, уларни янгилаш ва ривожлантиришга қараб мўлжал олиш саноатлашувдан кейинги иқтисодиётда банд бўлган инсонларнинг фундаментал хусусиятларига айланади. Мазкур жамиятда таълим соҳаси жамият ҳаётининг иқтисодий соҳаси билан сезиларли даражада кесишади, таълим фаолияти эса унинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи муҳим омилга айланади. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ахборот ва назарий билим мамлакатнинг стратегик ресурслари ҳисобланади ва таълимнинг ривожланиш даражаси билан бир қаторда, унинг суверенитети ва миллий хавфсизлигини кўп жиҳатдан белгилайди.

Республикамызда иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-маърифий ва фан-техника салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни иқтисодиётгагина эмас, балки таълим соҳасига ҳам самарали жорий этиш имкониятлари билан бевосита боғлиқ. Анъанавий касблар таркибида, ходимларнинг иқтисодий ҳуқ-атворида, касб танлашда қадрият ва мўлжаллар тизими ҳамда меҳнатни татбиқ этиш соҳаларида жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу мутахассиснинг янгича типи – инновацион фикрлаш услубига эга ходим пайдо бўлганини тасдиқлайди.

Меҳнат фаолиятининг амалий натижалари, ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан янгиланиши, турли соҳаларда инновациялар, янги маҳсулот турларининг пайдо бўлиши билан янги эҳтиёжларнинг юзага келиши, кишилар ҳаёт фаровонлигига қаратилган турли техник воситаларнинг яратилиши – илм ривожланиш даражасининг янги поғоналарини кўрсатмоқда. Илмий ва инновацион бизнес-режалар пайдо бўлиши, йирик акционерлик компаниялар шаклланиши жамиятда замонавий шароитлар вужудга келганлигини англатади.

Шиддат билан ўзгараётган ҳозирги технологик дунёда рақобат борасида устунликлар меҳнат ресурсларининг сифати ва инсон капиталига инвестицияларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ушбу омиллар иқтисодий таълим (умумий ўрта мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим) воситасида ва ҳар бир инсон ўз касбий даражасини ўзлуксиз ошириб бориш йўли билан таъминланади. Сўнгги йилларда зиёилик, билимлардан иқтисодий устунлик сифатида фойдалана олиш турли иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим омилга айланди. Аксарият мутахассисларнинг фикрига кўра, ривожланган таълим тизими рақобатбардошлик даражасини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади [6].

Ҳозирги саноат, экологик ва ахборот технологиялари тизимлари шу даражада мураккабки, бирор-бир минтақа ёки давлат улар билан боғлиқ муаммоларни мустақил ҳал этишга қодир эмас. Бунинг учун турли давлатлар, минтақаларнинг чуқур интеграциялашуви талаб этилади. Айнан шу сабабли давлатлар ҳамжамияти ҳар бир давлат ривожланишида юксак даражага эришишидан манфаатдордир. Агар

хамжамият аъзоларидан бирида технологияларнинг ривожланиш даражаси паст бўлса, у бутун хамжамиятга таҳдид солади. Юксак технологиялар бу жараёнда иштирок этувчи кишилардан юксак даражада касбий маҳорат, танқидий ва таҳлилий фикрлаш қобилияти, тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этади. Айни шу сабабли ўқув юртларининг битирувчилари шу жумладан глобал фикрлаш салоҳиятига эга бўлишлари, ўз минтақаси, мамлакатигагина эмас, балки бутун дунёда юз бераётган жараёнларни билишлари ва тушунишлари лозим. Бу таълимнинг мазмун ва моҳиятига нисбатан бутунлай янгича ёндашувдир.

Жамият тараққиётида ҳар бир давлатнинг ривожланишида иқтисодчининг меҳнати, уларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки иқтисодчи мутахассис меҳнатининг маҳсули бўлган ёшларда ижобий хислатлар, фазилатларни шакллантириш орқали жамиятнинг равнақи учун хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўзига хос фазилатларга эга бўлган, давлатимизнинг миллий ҳудудий, минтақавий, жўғрофий ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда унинг равнақини ўйлайдиган, бир ёки бир неча касб-ҳунарларни ўзлаштирган ва замонавий илмларни биладиган замонавий фуқарони шакллантириш зарурияти келиб чиқди. Бу борада Олий иқтисодий таълимнинг мақсадини ҳам қўйидагича ифодаланганлигини келтириш мумкин: замонавий иқтисодий билимларнинг асосини ўзлаштириш учун шарт – шароитларни таъминлаш, яъни уларни базасида касб иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий – иқтисодий вазифаларни ҳал этиш мумкин бўлсин. Бинобарин ушбу мақсад қўйидаги вазифаларни келтириб чиқаради: а) фундаментал иқтисодий билимларни ўрганиш; б) иқтисодиёт назариясининг фанлар тизимидаги ўрнини англаб етиш; в) иқтисодий мутахассислар учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларини ўзлаштириш; г) шахснинг ахлоқий – этик хусусиятларни ривожлантириш.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун иқтисодий билимларни тизимлаштириш, яхлитликни таъминлаш, функционал аҳамиятига қараб бўлимларга ажратиш, базавий ва қўшимча билимлар, умумфан, умумий касб ва маҳсус билимларни аниқлаш ва охир оқибатда, мутахассисларни ушбу билимлар ва кўникмаларни реал иқтисодий амалиётда қўллашга ўргатиш зарур [8]

Ҳақиқатан, ҳозирги даврда республикамиз таълим-тарбия тизимида ўтказилаётган ислохотлар мазмунида янги замон кишисини тарбиялаш ва бу улўф вазифани амалга оширувчи миллий педагог ходимларнинг ўзларини шакллантириш муаммосининг ечимлари ётади.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда қўйидагиларга эътибор қаратиш муҳим:

- Янги Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат иқтисодий ўсишни таъминлашга ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришишга ҳамда таълим муассасалари ўқувчиларини иқтисодий саводхонлигини ошириш зарур.

- Иқтисодчи кадрларни тайёрлашда уларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, айниқса олий таълим муассасаларида ўтиладиган иқтисодий фанлар самарадорлигини ошириш фоятда муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил, 21 апрель, № 79 (6773)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги №ПФ-4947 сонли Фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга ПФ-5953-сон Фармони. <https://lex.uz//>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, ПҚ – 2909 -сонли, 18-сон, 313-модда , 2017 йил 20 апрель.
5. Hakimova M.F. Zamonaviy iqtisodchining shaxsi. -T.: IQTISODIYOT, 2019.
6. Fayzullaeva N.S. Ta`lim menejmenti. - T.: IQTISODIYOT, 2019.
7. Hakimova M.F., Musaxanova G.M. Kasbiy pedagogika.-T.: IQTISODIYOT, 2019.
8. Хакимова М., Лутфуллаева Н. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. - Т.: IQTISODIYOT, 2019.